



*Ёзувчи : Шамсуддин Хақимзода*

### **Кискача танитув**

Ўрта Осиё халқларининг ислом динини қабул қилгани ҳақида сўз кетганда, Қутайба ибн Муслим деган машҳур исмни ёдга олиб ўтмаслик мутлақо мумкин эмас. Чунки, бу одам Сўғдиёна (ҳозирги Хоразм области) тупроғига илк бор қадам қўйган ислом лашкарбошисидир.

### Тўлик тавсиф

Ўрта Осиё халқларининг ислом динини қабул қилгани ҳақида сўз кетганда, Кутайба ибн Муслим деган машҳур исмни ёдга олиб ўтмаслик мутлақо мумкин эмас. Чунки, бу одам Сўғдиёна (ҳозирги Хоразм области) тупроғига илк бор қадам қўйган ислом лашкарбошисидир. Кутайба ибн Муслим мийлодий 710 – йилда Хуросон ва Маворауннахр (ҳозирги Ўрта Осиё) чегарасини хатлаган бўлса, 715 – йилда то Қашқаргача етиб бориб, Буюк Хитой императорига элчи жўнатишга улгурган. Хитой ва араб солномачилари ёзган тарихга биноан Кутайба Ибн Муслим шахсияти гайратли, уддабуррон лашкарбоши, адолатли пешво, хиёнатни севмаган, ўжар табиатли ва илм – урфонга, шеърятга яқин нозиктаъб инсон сифатида гавдаланади. Аммо, Совет Иттифоқи таълим тизимларининг рус – яҳудий тарихчилари уни конхўр, золим, адолатсиз ва илм – фан, маданиятнинг ашаддий душмани сифатида таърифлаганлар. Афсуски, бизнинг Ўрта Осиёлик тарихчилар ислом динининг бу ерларга тарқалиши масаласини ёритишликда ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, рус – яҳудий материалист тарихчиларининг изидан боришиб, арабларнинг дунёга чиқишига босқинчилик, талончилик юришлари деб баҳо берганлар. Аммо, қай тарзда? Улар (Ўрта Осиё маҳаллий тарихчилари) тарих ёзганда хитой ёки араб тилидаги асил манбаъларга таяниб, гапнинг тўғри маъносидан “иғна билан қудук қазишди” деб ўйлашми? Йўқ! Асло! Улар фақат рус – яҳудий оғаларининг рус тилида ёзилган ва Москвадаги материалист тарихчиларнинг диалектик материализм рамкаси (тахрири) остида босилиб чиққан китоблардан юзлаб иқтибосларни келтириш билангина диссертациялар ёзиб, “илм чўкқиларига қўтарилиб” юришган. Фикримизга шубҳа билан қараганлар марҳамат, ўша “олимлар” ўз “илмий ишларида” фойдаланган тарих китобларининг рўйхатига қарасинлар: Абрамзон, Бартольд, Вишневский, Литвинский, Зеймоль, Ремпель, Снесарев, Петраш каби, ва ҳоказо рус ва яҳудийий исм – шарифлардан бошқани ўқимайдилар. Хўш? Нима учун биз – муслмон фарзандлари ўз тарихимизни худосиз ва яҳудийий тарихчилардан ўрганишимиз керак?! Улар асли – наслидан ислом душманлари эмасми? Улар бизга тарих ҳақиқатларини бузмасдан, ўз хоҳишларига мос тарзда, қизил тусга бўямасдан бермаганига қим қафолат беради?! Нега тарихчилаимиз ёзган илмий ишларнинг библиографиясида (рўйхатида) Табарий, Наршахий, Ибн Қасир, Ибн Халдун каби ислом тарихчиларининг исми – шарифлари учрамайди? Хуллас, бузилган манбаълардан “сув ичган” тарихчиларимиз ўз “илмий ишларида” “Ўрта Осиё халқлари қилич тиги билан қўрқитиб, исломга мажбуран қиритилган” деб ёзадилар. Қаминанинг бу мақолани ёзишлигига ҳам бир “тарихчи” оғамизнинг тубандаги сатрларини ўқиб қолишлигим сабаб бўлди. Тарихчи оғамиз ёзаяпдилар: «Араблар захватили весь Хорасан, левережную часть Тахаристана проникли глуб Мавераннахра. Если город сопротивлялся, то агрессоры взяв его, казнили мужчин, а женщин и детей уводили с собой...» «Одним из стимулов завоевательных войн арабов в средней Азии, в том числе и в Согде, было погоня за рабами. Кутейба Ибн Муслим из Хорезма увез 100 тыс. рабов. А согласно договору между Ним и Согдийским царем Гуреком последний выплатил дань 30 тыс рабов-молодых и здоровых мужчин...» Агар биз бу “тарихчининг” сўзларини рост деб ишонсак, Кутайба ибн Муслим биргина

Хоразмнинг ўзидан бир юзу ўттиз минг (!) кул йигиб, Арабистонга юборган бўлса, ва биз ана шу мантикни давом эттирсак, ундан кейин ўзига бўйинсундирган Самарканд, Кеш (Тошкент), Фаргона ва Ахсидан тортиб, то Еттисув, Кора Бугро, Турпон ва Кашкар каби подшоҳликлардан, вилоятлардан яна ўртача юз мингдан кул ўлжа килиб, уларни Арабистонга юборган бўлса, Кутайба бир миллиондан ошқ кулларни ўз ватанига жўнатган бўлади. Бу ҳозирги даврдаги кичкина бир мамлакат аҳолисининг сонига баробар халқ демакдир. Ажабо, Кутайба шунча кулни қаёққа гумдон килди экан?! Чунки, бир миллион аҳоли бир минг тўрт юз йил мобайнида камида йигирма беш миллионга кўпаяди. Қани ҳозир Арабистонда шунча туркий халқ?! Яқинда Москванинг “ОРТ” каналининг “Вокруг света” редакцияси Бразилиядаги кора танлилар вилояти хақида хужжатли кўрсатув беришди. Маълум бўлишича, бу халқлар ўрта асрларда Европалик кул жаллоблар тарафидан Африкадан юз минглаб ўгирлаб келиб сотилган кулларнинг авлодлари экан. Орадан бешгина аср ўтиб, кўпайиб, алоҳида провинция (вилоят) бўлишибди. Гўёки Африканинг бир қисмидек, ўз тиллари, маданиятлари ва урф-одатлари билан яшаб келишяпти эканлар. Инсон экан, Кутайба “жўнатган” куллар каби йўқолиб, гумдон бўлиб кетишмабди. Агар Кутайбанинг Араб диёрига юз минглаб куллар жўнатгани рост бўлса, қайси араб диёрида турк вилояти бор? Хаттоки, Аббосийлар вақтида ҳокимиятни эгалаб олган ва асосан туркий миллатлардан ташкил топган юз минглаган мамлуклардан ҳам ҳозирги кунда бир вилоят бўлгудек авлодлар қолмаган! Ваҳоланки, мамлуклардан чиққан Ойбек, Кутуз, Баракатхон, Бейбарс ва уларнинг сулолалари роппа – роса уч аср ҳокимият тепасида бўлсалар ҳам! Исломи олами ва мусулмонлар орасида номи ҳурмат билан тилга олиниб, даъватчи, олим, шоир ва уддабуррон лашкарбоши сифатида танилган Кутайба ибн Муслим ҳазратлари хақида ҳалиги тарихчи опамиз яна мана бундай деб ёзадилар: «...Он целеустремленно уничтожил книги, писцов, ученых и жрецов храмов огня» Табиийки, бу сўзларни ўқиган ўқувчи “ие, Кутайба Ўрта Осиёга келганда бу ерда илм, маданият гуллаб, илмий китоблар ёзилиб, катта-катта олимлар чиқиб турган эканда... кейин Кутайба келиб, ҳаммасини ер билан яқсон қилибди, афсус!” деб ўйлаши турган гап. Ҳа. Ўқувчи онгига худди мана шундай тушунча солиш дахрий тарихчиларнинг вазифаси эди! Дарвоқеъ, хақиқат қандай эди? Ростдан ҳам ислом келгунга қадар Ўрта Осиё диёрларида илм-фан раванқ топган, олимлар етишиб чиққан ва одамлар ўз эътиқод-ақидалари билан бахтиёр эдиларми? Гапни аввало эътиқод масаласидан бошласак. Кутайба ибн Муслим ислом лашкарлари билан Хуросон чегарасига етиб келган вақтда ўрта Осиё халқлари мушрикийлик ва шомонлик ақидасида яшар эдилар. Халқлар асосан “Тангри” деб аталмиш бош худога ва унга кўшиб, “Ер-сув”, “Буюрт”, “Хумо” каби майда худоларга ва ўлган буюқларнинг арвохларига сизгинишар, илоҳликни улар орасига тақсимлаб берган эдилар. Бу эса худди қадимги Римликларнинг Юпитерни бош худо Уран, Нептун, Плутонларни ёрдамчи худолар сифатида талқин қилишига ва қадимги юнонларнинг Зевсни бош худо, Афродита, Фортуна, Посейдон ва бошқаларни майда худолар деб тасаввур қилишига ўхшар эди. Аммо, халқ орасидаги баъзи ақл сохиблари бу ўта содда ақидадан кўнгиллари тўлмаб, бошқа ақида излашар, атрофдан келаётган ислом, христианлик, буддийлик, маздакийлик, монийлик каби ақидаларни ўзларича таҳлил қилар эдилар. Бу масала ўша вақтда машҳур бўлган турк ҳокони Билгехонни ҳам беҳавотир қолдирмаган ва ўзининг вазири ҳамда қайнотаси ҳисобланмиш донишманд Тўникўк (баъзи манбаъларда Тўнюк) билан маслаҳатлашган эди. Ўшанда Тўникўк айтади: “Бу дин (Буддийлик) одамларни хаддан ташқари мулоимликга ва

таркидунёчилик, демакки, факирликга чакирар экан, демак, туркларнинг ботир, жангари табиатига лойик эмасдир. Агар биз бу динни кабул килсак, кўп сонли хитой боскинчиларига бардош бера олмай коламиз” Шундай килиб Билгехон бошчилигидаги юрт оталари барча динларни бирма-бир тарозуга кўйиб, исломий элчилар ва даъватчилар тарафидан тавсия килинган ислом динини танлаб оладилар. Энди илм-маърифат хакида. Ислом Дини келган вақтларда Ўрта Осиёда кайси илм ривожланган ва кайси олим бор эди. “Кутайба олимларни кирди” деб ёзган дахрий тарихчилар акалли биргина мазлум олимнинг номини зикр килмайдилар. Ажиб! Нима учун масалан, христиан инквизицияси тарафидан киргин килинган олимларнинг номлари (Бруно, Галилей ва хоказо) тарих варақларида дона-дона ёзилиб колади-ю, ислом “мустабидлари” кириб юборган олимларнинг номлари сакланмайди?! Ха. Албатта! Чунки, мусулмонлар ҳеч қандай олимларни киргин килмаган. Ўрта Осиёда улар келган вақтга қадар илм ва олимлар бўлганлиги ҳам шубхали масала. Аксинча, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби бутун жаҳонга донги кетган Ўрта Осиёлик алломалар ислом тарбияси соясида ва Кутайба сингари ислом амирларининг хомийлиги остида етишиб чикканлар. Хомий бўлмаса на илм на фан, на маданият ривожланмаслигини бугуннинг одамлари жуда яхши биладилар. Йўқ. Атеист “тарихчилар” “Кутайба кириб юборган” биронта шомон олимнинг номини зикр қила олмайдилар! Чунки, улар таркатган маълумотларнинг тўксон тўккиз фоизи сароб маълумотлардир! Кутайба ибн Муслим золим бўлган эмас! Ха, тўгри. У ибодатга лойик, яққаю ягона зот – Аллох субхонаху ва таъолога сизиниш ўрнига аллақандай арвохларга сизинадиган нодонларни ёмон кўрган. Вахоланки, бу ҳиссиёт ҳар бир мусулмон учун фарзу айн ҳисобланади. Ха, тўгри. Кутайба ибн Муслим душманга аёвсиз бўлган. Акс холда, беш йил ораллигида Эрондан Қашқарга қадар ерларни ислом тасарруфига киргиза олмаган бўларди. Балки, баъзи бир мушрик подшоҳлардан енгилиб қолса, биз ҳамон чуқчалар каби арвох чакириб яшарми эдик... Кутайба жанггоҳдаги душмангагина шафқатсиз бўлган. Аммо, тинч аҳолига ҳеч қачон адолатсизлик қилмаган. Ўша давр ҳолати хакида тарихчи Усмон Турон мана бундай ёзади: “Шарқда уйгур хони монийлик динини давлат дини даражасига кўтариб, бошқа динларнинг ҳуқуқини ҳам таниган бўлса, гарбда Хазар хонлиги яҳудий динини расман кабул қилган эди. Аммо, бу диёрларнинг (Ўрта Осиёнинг) халқи эса, оммавий равишда ислом ва насор динларига кирган эдилар. Ўша вақтларда шомонлик (тангричилик) дини ҳам ҳеч бир қаршиликсиз давом этаверган” (“Туркий халқлар мафқураси” китоби. 68-бет) Биз бу мақола билан Кутайба ибн Муслимнинг шахсиятини муқаддаслаштирамоқчи эмасмиз. Фақат, у зотнинг пок руҳини гаразгүй дахрий тарихчилар ёзган уйдирма ва бўхтонлардан химоя қилиб, тарихий хақиқатларни бир оз бўлсада қарор топишига ҳисса қўшмоқчимиз, ҳолос. Осиё халқларида “сен менга дўстингнинг кимлигини айтсанг, мен сенга ўзингнинг кимлигини айтиб берман” деган ҳикматли сўз бор. Биз ҳам ҳозир Кутайба ибн Муслим шахсияти билан янада яқинроқ танишиш учун у кишининг икки дўсти хакида баъзи маълумотларни келтирмамоқчимиз. Биринчи дўсти ўша даврдаги мусулмонларнинг амири – халифа Абдул Малик ибн Марвондир. Чунки, у ўзининг дўсти ва яхши таниган, яқин одами сифатида Кутайбани Хуросон вилоятига ноиб қилиб тайинлаган эди. Абдул Малик ибн Марвон хакида биз Мухаммад Фарид Вуждийнинг “йигирманчи аср энциклопедияси” номли китобида тубандаги маълумотларни ўқиймиз: “Абдул Малик ибн Марвон умавий халифаларидан бири. Тўлик номи: Абдуллох ибн Марвон ибн Хакам ибн Ос ибн Умайя ибн Абду Шамс ибн Абду Маноф ал Умавийдир. Абдул Малик такводор обид бўлган. Ибн Саъднинг хабар

беришича, у аввал Мадинайи мунавварага амир килиб тайинланган. Ўшанда у ўн олти ёшдаги йигитча эди. У Усмон ибн Аффон, Абу Хурайра, Абу Саид, Умму Салама ва Муовия каби улуг одамларнинг насихатларини эшитган. Унга қадар мусулмонлар орасида Абдул Малик деган ном бўлмаган. Абу Занод айтади: “Мадинада тўрт факих бор. Улар: Саъд ибн Мусайяб, Абдул Малик ибн Марвон, Урва ибн Зубайр ва Кабиса ибн Зуайблардир”. Ибн Умар айтади: “барча одамлар бола бўлиб тугилдилар. Факатгина Ибн Марвон ота бўлиб тугилгандир”. У халифалик тахтига ўтирганида (золимлиги билан машхур) Хажжожга мана бундай хат ёзган эди: “менга етган хабарларга караганда, сен жуда кўп кон тўқар ва мулкни кўп исроф қилар экансан. Мен бу қабих ишларга тоқат қила олмайман.” ...Абдул Малик ибн Марвон даврида шахсан унинг буйруғи билан араб ёзуви чегирилган тангалар муомалага чиқарилган. Илмий мерослар бошқа тиллардан арабчага таржима қилина бошлаган. У одамларни Куръон – Суннат ҳукмларини маҳкам ушлашга, адолатли ва ҳақиқатпарвар бўлишга чақирар эди” (М. Ф. Вуждий. “Йигирманчи аср энциклопедияси” (араб) 9-том. 386-387-бетлар.) Даҳрий тарихчилар “қитобларни қуйдирган, олимларни ўлдирган” деб сифатлаган Кутайба ибн Муслимни Хуросон вилоятига мана шу – маърифатпарвар, адолатпарвар, халқпарвар Абдул Малик ибн Марвон волий қилиб тайинлаган эди. Сиёсат тарихи ва табиатидан маълумки, ҳар бир давлат бошлиғи муҳим мансабларга ўзига ҳамфикр одамларни тайинлайди. Халифа Абдул Малик ҳам Мадинайи мунавварадаги тўрт алломанинг бири, илм-маданият жонқуяри бўларок, ўзи каби дунёқарашга эга бўлган Кутайба ибн Муслимни Хуросон вилоятига волий қилиб танлаган эди. Кутайба ибн Муслимнинг иккинчи дўсти Абдул Малик ибн Марвоннинг ўғли ва меросхўри, ундан кейинги амийрул муъминийн Валийд ибн Абдул Малик эди. Кутайбанинг бу дўсти ҳақида Байрутдан чиқадиган “Аль Мунжид” энциклопедияси мана бундай маълумот беради: “Тугилган йили: 668. Вафот этган йили: 715. Умавийларнинг иккинчи халифаси. Унинг халифалик даврида мамлакат фаровонликга эришган. Кутайба ибн Муслим етакчилигидаги ислом лашкарлари Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона ўлкаларини, Мухаммад ибн Хосим Хиндистонни, Торик ибн Азиз эса Андалусияни (ҳозирги Испания ва Италиянинг бир қисми) фатҳ қилишган. Валийд ибн Абдул Малик Дамашқдаги машхур “Умавий” ва Қуддусдаги масжидларини таъмирлаган. Унинг даврида ислом тарихидаги энг дастлабки шифохоналар очилиб, иш бошлаган.” Демак, Валийд ҳам отаси Абдул Малик каби маърифатпарвар бўлган. Шунинг учун Кутайба ибн Муслим бу ота-болага меҳр қўйиб, садокат билан хизмат қилган. Аммо, 715-миллодий йилнинг иккинчи ярмида халифа Валийд вафот этиб, ҳокимият унинг укаси Сулаймон кўлига ўтганида Кутайба ибн Муслим унга хизмат қилишдан бош тортган. Чунки, у отаси ва оғаси каби маърифатпарвар, олим ва донишманд эмас, табиийки, Кутайба у билан ҳеч бир масалада келиша олмас эди. Бундан газабланган Сулаймон ўша йилнинг охирида махсус жаллод юбориб, Фарғона шаҳрида Кутайба ибн Муслимни ва унинг оиласидаги он бир кишини қатл қилдирган ва кейинроқ бу қилмишидан пушаймон чеккан эди! Бу воқеалар хусусида араб шоири Жарир: Бир яралган Кутайбани ўлдирдилар, Жони учиб кетгандан сўнг ўқиндилар! Дунёдаги бу пушаймон ҳеч нарсамас, Охиратда “аттанг!” деган ёмон бўлар! деб ёзган эди. Кутайба ибн Муслимнинг тугилган йили номаълум. Шундай қилиб, тўлик исми-шарифи Амир Кутайба ибн Муслим ибн Умар ибн Хусайн ибн Робия ибн Холид ибн Усайд Аль-Хайр бўлган улуг лашкарбоши миллодий 715-йилда нодон халифа Сулаймон ибн Абдул Малик тарафидан ўлимга буюрилган. Аллох унинг охиратини обод қилсин! Биз – Ўрта Осиё халқлари бизга Ислом нурини олиб келган Кутайба ибн Муслимнинг ҳақиқа дуолар

## **Кутайба ибн Муслим**

Муаллиф:

27.06.2018 13:00 - Янгиланди 27.06.2018 13:15

---

килиб, факат яхшилик билан ёд олишгагина бурчлимиз!